

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

Сенаторлар 2019 йилги Давлат бюджетини тасдиқладилар

2018 йил 13–14 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди. Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Парламент аъзолари Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамгармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Мамлакатимизнинг келгуси йилга мўлжалланган энг муҳим молиявий ҳужжати 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги 2018 йил 29 июндаги Фармонида назарда тутилган ўзгаришлар асосида ишлаб чиқилган.

2019 йилда Давлат бюджети даромадлари 102,6 трлн сўм миқдоридан

прогноз қилинмоқда, бу эса 2018 йилга нисбатан 38 фоиз ўсишни аниқлатади. Давлат бюджети харажатларининг умумий суммаси 107,1 трлн сўмни ёки жорий йилга нисбатан 36,4 фоизга кўпроқни ташкил этади.

Бунда ижтимоий соҳага Давлат бюджетидан сарфланадиган харажатлар 57,8 трлн сўмдан ортиқни ёки барча харажатларнинг 54 фоизини ташкил этади (2018 йилга нисбатан ўсиш – 34,4 фоиз). Бунда таълимга сарфланадиган харажатлар аввалги йилга нисбатан 25,5 фоизга ошади ва 28,4 трлн сўмни ёки барча харажатларнинг 49 фоизини ташкил этади. Соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатлар 2018 йилга нисбатан 30,5 фоизга ошади ва 12,1 трлн сўмни ёки барча харажатларнинг 11,3 фоизини ташкил этади. Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва компенсациялар тўлаш учун

сарфланадиган харажатлар 5,2 трлн сўмни ташкил этади, бу эса 2018 йилга нисбатан 61,8 фоизга кўпроқдир.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурлари доирасида молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 478 та аҳоли пунктида яшаш шaroитларини яхшилашга 6,3 трлн сўм йўналтирилади. 2019 йилда Давлат бюджетди тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз миқдоридан бўлиши прогнози қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ 2019 йилда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш назарда тутилмоқда. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки ҳам барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинadиган

даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдоридан жорий этиш орқали камайтирилади, шундан 0,1 фоизи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтирилади. Бундан ташқари, фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинadиган сугурта бадалларини бекор қилиш назарда тутилган.

Бўлгуси йилги Давлат бюджетидан бюджет соҳаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилда иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий тўловлар ва стипендияларни ҳар ярим йилда аввалги йилдаги инфляция даражасидан паст бўлмаган миқдорда ошириш тақлиф этилди. 2019 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий нафақалар миқдорларини

2-бетда

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Техник регламент сертификатлаштириш мажбурийлигини талаб қилади

Президентнинг 12.12.2018 йилдаги ПҚ-4059-сон қарори билан маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш учун қўшимча асос жорий этилди.

Амалдаги Мажбурий тартибда сертификатланadиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхати (кейинги ўринларда – рўйхат) 2011 йилда тасдиқланган.

Сертификатлаштириш билан бир қаторда техник жиҳатдан тартибга солиш механизмлари мавжуд («Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун). Хусусан, улар маҳсулотлар ва хизматлар хавфсизлигига мажбурий талабларни белгиладиган норматив ҳужжатлар – техник регламентларни нашр этиш воситасида амалга оширилади. Бу ҳужжатларнинг ўзи сертификатлаштириш амалга оширилишини

назарда тутмайди. Тегишинча, агар хавфсизлигига талаблар техник регламентда мустаҳкамланган маҳсулот Рўйхатда мавжуд бўлмаса, уни сертификатлаштириш амалга оширмаса бўлар эди. Шу пайтгача шундай бўлган эди.

Энди эса техник жиҳатдан тартибга солиш ва сертификатлаштириш дастаклари ўзаро боғлиқ ҳолда қўлланилади. Техник регламентлар амалга киритилиши билан хавфсизлигига ушбу ҳужжатлар билан мажбурий талаблар ўрнатилadиган маҳсулотлар мажбурий сертификатланиши лозим. Муаллиф фикрига кўра, бу қуйидагилар билан асосланади:

биринчидан, одамларнинг ҳаёти, соғлиғи, юридик

ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш сертификатлаштиришнинг мақсадларидан бири ҳисобланади. Техник жиҳатдан тартибга солиш эса маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажаришни ўз ичига олади. Яъни, механизмлар, моҳиятига кўра, худди шундай мақсадларни кўзлайди;

иккинчидан, техник регламентлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратининг аниқ тартиби баён этилмаган, гарчи бу истеъмолчи манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга. Мазкур ҳолатда сертификатлаштиришнинг қўлланиши меъёрий ҳужжатлардаги номувофиқликни бартараф этади;

учинчидан, сертификатлаштириш кўринишида техник регламентлар талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиш превентив чора бўлиб хизмат қилади – бу МЖТКнинг 212-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва бартараф этиш.

Шу тариқа, энди ишлаб чиқарилаётган (олиб кириладиган) маҳсулотлар мажбурий сертификатланиши масаласини ҳал этишда нафақат Рўйхат билан солиштирилиши, балки тегишли техник регламентларнинг мавжудлиги инобатга олиниши зарур.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 13.12.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

ЙПХ ходими билан ҳайдовчиларнинг муносабатлари қандай йўлга қўйилади

7-БЕТ

Болалар паспорти қандай расмийлаштирилади?

8-БЕТ

Кириб келаётган тонировкали иномаркадан қанча йигим олинади?

Сенаторлар 2019 йилги Давлат бюджетини тасдиқладилар

1-бетда мутлақ суммада белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Давлат бюджетини режалаштириш ва ижро этишни такомиллаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳудудлар солиқ салоҳиятини кенгайтиришдан, бюджет тизими турли даражадаги бюджетларнинг молиявий оқимларини бирлаштиришдан манфаатдорлигини ошириш бўйича аниқ тадбирлар белгиланган.

Муҳокама аянлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Сенаторлар кўриб чиққан қонунлар орасида куйдаги қонунлар ҳам маълум:

• **«Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилги асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;**

• **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги.** Қонун Жиноят, Жиноят-процессуал ва Меҳнат кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутиди.

Жиноий ва маъмурий қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатдаги жамоат тартибини мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлардан иборат ва тиланчилик билан шуғулланганлик ҳамда воёга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий касалликлари, ногиронлиги бўлган шахсларни тиланчилик қилишга жалб этганлик

учун жавобгарлиқни белгилаб қўйишга қаратилган. Ўзгартишлар меҳнат қонунчилигини ҳам четлаб ўтмади: ишга қабул қилиш тартиби ва иш берувчининг мазкур жараёндаги масъулиятига оид айрим низомлар соддалаштирилди;

• **«Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги.** Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 17 та қонун ва 6 та кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Қонун давлат органлари ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариши учун янада қулай шарт-шароит яратишга, улар фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмини такомиллаштиришга қаратилган.

«Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунга киритилаётган ўзгартишларга биноан давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қаторидан ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш, бундай ишларни бажаришда тақдорлиниш ва суиистеъмолликларга йўл қўймаслик вазифалари чиқариб ташланмоқда.

Қонун билан Уй-жой кодексига киритилган тартибга кўра уй-жой объектининг манзили бўйича доимий прописка қилинган воёга етган жисмоний шахслар электр таъминоти, газ таъминоти, сув таъминоти ва сувни чиқариб юбориш (канализация) хизматлари учун кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш бўйича мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўлади.

«Архив иши тўғрисида»ги Қонунга Миллий архив фондининг давлатга тегишли бўлмаган қисми таркибига киритилган архив ҳужжатларини тасаруфдан чиқариш ёки универсал ҳуқуқий ворислик тартибиде ёхуд бошқа усулда бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш учун рўхсат бериш функцияларини «Ўзархив» агентлиги ваколатларидан чиқариб ташлашни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Қонундан адлия органлари ҳўжа-

лик юритувчи субъектларга шартнома мажбуриятларини тузиш ва бажаришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни, шунингдек, ҳўжалик шартномаларини ижро этиш жараёнини назорат қилишни назарда тутувчи норма чиқариб ташланмоқда. Шундай тартиб киритилмоқдаки, унга кўра Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизасини бошқа турдаги экспертизаларни ўтказиб бўлгандан сўнг мажбурий равишда амалга оширади. Тегишли адлия органларига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш вазифалари юкланмоқда.

«Рақобат тўғрисида»ги Қонунга рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима солиш ҳақида қарорлар қабул қилишни монополияга қарши органнинг ваколатларидан чиқариш ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш вазифаларини монополияга қарши органдан тегишли судларга ўтказишни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда;

• **«Судларда давлат божини ундириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги.** Қонун судларда давлат божини ундириш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутди. Бунга кўра судларга давлат божини тўлаш бўйича амалдаги 74 та имтиёздан 17 тасини бекор қилиш, янги тузилган маъмурий судларга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этиладиган шахслар ва органлар рўйхатини белгилаш, шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар учун давлат

божини ундириш объектларини бирлаштириш кўзда тутилмоқда. Қонун билан жорий этилаётган тартибга кўра, айрим тоифадаги шахсларга нисбатан талабларни қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, ушбу шахслардан судларда давлат божини талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорида мутаносиб равишда ундирилади;

• **«Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишга молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги.** Ҳужжат билан 19 та қонун ва 5 та кодексга концептуал, техник ва аниқлаштирувчи ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва Жиноят кодексига қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлиқни қучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

• **«Қишлоқ ҳўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги.** Ўзгартишлар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ер кодекси ва Солиқ кодексига киритилди;

• **«Халқаро миграция ташкилоти Конституциясини (Брюссель, 1953 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги.**

Ўн еттинчи ялпи мажлис давомида жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини оширишга ва халқаро ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қиладиган 30 та масала, шу жумладан, 18 та қонун кўриб чиқилди.

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати материаллари асосида.

Эълонлар

«Surxondaryo mulk markazi» МЧЖ бошлангич баҳоסי босқичма-босқич охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

I. Савдога «Ўздавнефтегазинспекция»нинг Сурхондарё ҳудудий бўлими тасаруфиде, Термиз шаҳар, Барқамол авлод кўчаси 17-уйда сақланаётган, «НЕКСИЯ ДОНС» русумли, 2011 йилда и/ч, д/р 75 /107 ТАА, ранги оқ (белый) мрамор, бошлангич баҳоסי – 13 496 000 сум, таъмирталаб автотранспорт қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2019 йил 21 январь соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 17 январь соат 18.00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан унинг ХАБ «Траст банк» Термиз филиалидаги х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729 га тўлашлари шарт. Ариза (талабнома)ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Барқамол авлод кўчаси, 19-уй. Телефон: (0376) 223-15-82. 972-сонли гувоҳнома.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани хисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон, яқин ва узоқ хориж бўйлаб корпоратив, гуруҳли турлар. Тўлов – исталган шаклда. (+998) 90-189-28-09, (+998) 93-556-61-31.

Хизматлар лицензияланган.

Шайхонтохур тумани ДСИ томонидан 2018 йил 2 июлда 2770 рақамли Орипов Фаррух Розикўлович номига берилган «Ёлланган ходимни хисобга қўйиш карточкиси» йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

• ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

– Сенаторлар 2019 йилги Давлат бюджетини тасдиқладилар **1-2-бетлар**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**

• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 16 ноябрдан 5 декабрда бўлган маълумот **3-6-бетлар**

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Инвесторларга виза ҳамда вақтинча прописка учун бож белгиланди
– Квартирани мерос қолдириш
– Катталарниқидек ҳужжат
– Яшаш жойидан ёки иш жойида?
– Рўйхатда қайд этилмаган
– Паспорт йўқотганда

• АВТОНОРМА

– «Хориқлик»лар тонировка учун қандай ҳақ тўлайди
– Йўлни кесиб ўтганлиги учун жаримага тортилар **8-бет**

• ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

– Янги тартиб-таомил **8-бет**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarl birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

— «Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

• МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 16 НОЯБР-ДАН 5 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ҲАМДА МАХСУС МОСЛАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 июлдаги ПҚ-3127-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатларини ҳамда махсус мосламалардан фойдаланишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Низом 14-бандининг иккинчи ва бешинчи хатбошилари, 18-бандининг тўртинчи хатбоши 2019 йил 1 июлдан эътиборан қучга киради.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 1 декабрь
975-сон.

ЎзР ВМнинг 2018 йил 1 декабрдаги 975-сон қарорига
ИЛОВА

ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ ҲАМДА МАХСУС МОСЛАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланиши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

йўл ҳаракати — одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи;

йўл ҳаракати қатнашчиси — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тартиқсиз бевоқиф иштирок этаётган шахс;

йўл-патруль хизмати ходими — йўл ҳаракати қатнашчи-

ларининг ҳаракатини назорат қилиш, бошқариш ва тартибга солиш ваколати берилган ички ишлар органи ходими;

йўл-транспорт ҳодисаси — транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш — йўл-транспорт ҳодисалари юзага келиши сабабларининг олдини олишга, бундай ҳодисалар оқибатларининг оғирлигини камайтиришга қаратилган фаолият;

махсус мосламалар — махсус автоматлаштирилган аудио, фото ва видео қайд этиш техника воситалари ёки қўлма фоторадар ва мобиль комплекслар;

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 4.12.2018 йилдан қучга кирди.

махсус тадбирлар – йўл ҳаракати қатнашчилари томонидан йўл транспорт ҳодисалари ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга доир, комплекс вазифаларни бажаришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари, ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқарма (бўлими, бўлими)ларининг раҳбарлари томонидан тасдиқланган ёки ўзаро келишилган режа асосида йўл-патруль хизмати (кейинги ўринларда ИПХ деб аталади) ходимлари, шунингдек, давлат бошқа органларининг вакиллари билан ҳамкорликда ўтказиладиган ҳаракатлар мажмуи;

таъқиб қилиш – жиноят содир этилганликда гумон қилинган шахслар бўлган транспорт воситаси ҳайдовчиси ИПХ ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабини бажармаганда, транспорт воситасининг ҳаракатига чек қўйиш ҳамда гумонланувчини ушлаш мақсадида транспорт воситасининг орқасидан қувиш;

кузатиш – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар бўлган ўз ҳаракатлари билан бошқа ҳаракат қатнашчилари ҳаёти (соғлиғи)га хавф солаётган транспорт воситаси ҳайдовчиси ИПХ ходимининг тўхташ тўғрисидаги қонуний талабини бажармаганда тўхтатиш мақсадида орқасидан бориш.

3. Мазкур Низом талаблари ҳарбий автомобиль инспекцияси ходимлари ҳамда Куролли Қушлар ва Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшилари транспорт воситаларини бошқарётган ҳайдовчиларга нисбатан ҳам таъқиб этилади.

4. ИПХ ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ички ишлар органлари тўғрисида», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари ҳамда бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳкамаси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармоишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармоишлари, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг буйруқлари ва фармоишлари, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

5. ИПХ ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари қонунийлик, одиллик, ошқоралик, тенглик, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципларига асосланади.

2-БОБ. ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМИ ТОМОНИДАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ТЎХТАТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

6. ИПХ ходими томонидан транспорт воситалари қуйидаги асосларга кўра тўхтатилиши мумкин:

ҳайдовчи томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг (кейинги ўринларда қоидалар деб аталади) бузилиши визуал кузатувада аниқланганда ёки махсус мослама ёрдамида қайд қилинганда;

транспорт воситаси, ҳайдовчи ёки йўловчи қидирувда эканлиги, йўл транспорт ҳодисаси ёки бошқа ҳуқуқбузарликка алоқадор эканлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;

йўл транспорт ҳодисаси, ҳуқуқбузарлик содир этилганини кўрган ҳайдовчи ёки йўловчидан ҳодиса тафсилотига ойдинлик киритиш зарурати юзaga келганда;

ваколатли давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатни чеклаш ёки тақиқлаш бўйича кўрсатмаларини бажариш жараёнида;

транспорт воситасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш зарурати юзaga келганда (чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарига, халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари бундан мустасно);

махсус тадбирларни ўтказиш жараёнида;

транспорт воситасидан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи, шунингдек, транспорт воситаси ва олиб кетилаётган юкларга оид ҳужжатлар мавжудлигини текшириш учун (махсус ва ҳарбий юклар, божхона расмийлаштирувидан ўтказилиб, божхона хизмати томонидан пломбаланган юклар бундан мустасно).

ИПХ ходими томонидан бошқа асосларга кўра транспорт воситаларининг тўхтатилиши тақиқланади.

7. ИПХ ходимларининг ишоралари йўл ҳаракати қатнашчиларига тушунарли бўлиши ва ўз вақтида берилиши лозим.

8. ИПХ ходими томонидан транспорт воситаси ҳужжатларни текшириш учун тўхтатилганда, фақат ушбу ҳужжатларни текшириш жараёнида аниқланган қоидалар бузилиши бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чора кўрилади.

Қоидалар бузилиши визуал кузатува ёки махсус мослама ёрдамида қайд қилинганда, ИПХ ходими ҳайдовчига дастлаб айнан содир этган қоидалар бузилишини тушунтириб, шундан сўнг ҳужжатларни текшириб, тегишли чоралар кўради.

9. Транспорт воситаси тўхтатилганда ҳайдовчи ИПХ ходими айнан тўхтатилган ҳудудда дислокацияга асосан хизмат ўтаётганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шаклдаги тасдиқланган дислокациянинг кўчирмаси билан шў жойнинг ўзида танишиши мумкин.

ИПХ ходимининг дислокацияси ушбу ходим хизмат олиб бораётган Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (кейинги ўринларда ДИХХХ деб аталади) саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғида сақланади ва ҳайдовчининг мурожаатига биноан ўн беш кун ичида ёзма равишда маълумот берилади.

10. Махсус тадбирларни ўтказиш жараёнида ИПХ ходими томонидан транспорт воситаси тўхтатилганда, йўл ҳаракати қатнашчиларига махсус тадбирнинг айнан нима мақсадда ўтказилаётганлиги ҳамда тўхтатиш сабаби ҳақида тушунтириш берилади.

11. Йўл ҳаракати қатнашчиси махсус тадбирларни ҳақиқатда тасдиқланган режа асосида ўтказилаётганлиги ҳақида марказий ахборот-диспетчерлик хизмати (кейинги ўринларда МАДХ деб аталади) – ахборот-диспетчерлик хизматига (кейинги ўринларда АДХ деб аталади) телефон қилиш ёки ушбу ходим хизмат олиб бораётган ДИХХХ саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғига мурожаат қилиш орқали маълумот олиши мумкин. Бунда ИПХ ходими йўл ҳаракати қатнашчиларининг талабига кўра, МАДХ-АДХнинг телефон рақами ҳақида маълумот беради.

Йўл ҳаракати қатнашчиси махсус тадбирларнинг ўтказилиш мақсади, транспорт воситасини тўхтатган ИПХ ходими махсус тадбирда иштирок этган ёки этмаганлиги, транспорт воситаси тўхтатилган ҳудудда махсус тадбир ўтказилганлиги ҳақида маълумот берилади. Махсус тадбирнинг шартли номланиши, тўлиқ моҳияти ҳамда кўлими ҳақида маълумот, шунингдек, махсус тадбирнинг ўтказилишига асос бўлган ҳужжатлар кўрсатилмайди, улардан нусхалар берилмайди.

Йўл ҳаракати қатнашчиси уни тўхтатган ИПХ ходими хизмат олиб бораётган ДИХХХ саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғига мурожаат қилганда, мурожаат муаллифига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда асосланганлигини жавоб хати берилади.

3-БОБ. ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМИНИНГ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12. ИПХ ходими ўз хизмат вазифаларини бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган асосларга кўра транспорт воситасини тўхтатиш, ундан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, транспорт воситасига, шунингдек, ташилаётган юкларга оид ҳужжатларни текшириш;

ҳайдовчи ёки юкни кузатиб бораётган шахс билан бир-галикда транспорт воситасини ва юкларни ташқи кўздан кечирish;

йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳужжатларини текшириш мақсадига электрон маълумотлар базасидан фойдаланиш;

йўл транспорт ҳодисаси ва бошқа ҳуқуқбузарлик содир этилганлигининг гувоҳи бўлган йўл ҳаракати қатнашчиларини аниқлаш;

ташқилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш (чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарга, халқаро ташқилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари ҳамда махсус мўлжалланган транспорт воситалари бундан мустасно);

транспорт воситасининг двигател ва агрегат қисмларининг рақамларини рўйхатлаш ҳужжатларида ёзилган рақамлар билан ҳайдовчининг бевосита иштирокида солиштириш (ҳайдовчининг иштирокини таъминлаш имкони бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно);

транспорт воситасини таъқиб қилиш ёки кузатиш;

жиноят содир этганлиги учун айбланувчи тариқасида иштирок этишда жалб қилинган ҳамда қидирувда бўлган шахсларни ушлаб туриш;

жиноят содир этганлигига гумон қилинаётган шахсларни, транспорт воситасида ҳуқуқбузарлик содир этиб ҳодиса жойидан яширинган, ИПХ ходимининг қонуний талабига бўйсунмаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда МЖТК деб аталади) 291-моддаси биринчи қисмининг «а» бандига кўра, транспорт воситасининг ҳайдовчиси ушбу Кодекс 125-моддасининг учинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларида, 125-1-моддасининг иккинчи қисмида, 126-моддасида, 127-моддасининг иккинчи қисмида, 128-6-моддасида (агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси бўлмаса ва тўхташ ёки тўхтаб туриш қондаларининг бузилиши йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатланishiга халақит берса), 131, 135, 135-1-моддаларида, 136-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 137, 176-3-моддаларида, 194-моддасида (ички ишлар органи ходимининг транспорт воситасини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабини бажармаслик қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлари содир этганда, шу билан бирга, қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолатларда транспорт воситаларини ушлаб туриш;

алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда (кейинги ўринларда – маст ҳолда деб аталади) бўлган, транспорт воситасини бошқариш учун тегишли ҳужжатлари бўлмаган, руҳий ҳолати ёки соғлиғи транспорт воситасини бошқаришга тўққонлиқ қилиши мумкин бўлган, нозот транспорт воситасини бошқараётган шахсларни, шунингдек, МЖТК 291-моддаси биринчи қисмининг «а» бандида назарда тутилган ҳолатларда транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини олиб қўйиш, транспорт во-

ситасини сақлаб турадиган махсус ажратилган жойга қўйиш учун олиб борилишини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш.

ИПХ ходимлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Қуйидаги ҳолларда ИПХ ходими ҳайдовчи ёки йўловчилардан транспорт воситаси кабинасидан чиқишини талаб қилишига ҳақли:

транспорт воситасидаги техник носозлиқни ва юк ташиш қоидаси бузилганлигини бартараф этиш мақсадига;

ҳайдовчи транспорт воситасини маст ҳолда бошқараётган деб ҳисоблашга етарли асослар мавжуд бўлганда;

транспорт воситасининг двигател ва агрегат қисмлари рақамларини рўйхатлаш ҳужжатларида ёзилган рақамлар билан фарқ аниқланган тақдирда бевосита ҳайдовчи иштирокида солиштириш мақсадига;

транспорт воситасига тегишли ҳужжатлар ёки унда олиб кетилаётган юк ҳужжатлари мавжудлигини текшириш зарурати юзга келганда;

ҳайдовчи ёки йўловчи жиноят содир этганлигига гумон қилинаётганда;

ҳайдовчининг транспорт воситаси кабинасида бўлиши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солиши мумкин бўлган ҳолларда (ҳайдовчининг руҳий ҳолатига, ёшига, сезгирлик ва эътибори сусайтирадиган дори воситалари таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарқоқлик ва бетоблик ҳолатида, транспорт воситасини бошқара олишига шубҳа бўлганда).

Жисмоний нуқсонли ҳайдовчининг транспорт воситаси кабинасидан чиқиш имконияти чекланган ҳолатлар бундан мустасно.

14. ИПХ ходими ўз хизмат вазифаларини бажаришда қуйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини мобил видеокамерадан фойдаланган ҳолда ошқора олиб бориш;

визуал кузатув ҳамда махсус мосламалардан фойдаланган ҳолда қондалар бузилганлигини аниқлаш;

йўл ҳаракати қатнашчисини тўхтатганидан кейин унинг олдида бориш, ўзини таништириш, лавозими, унвони, фамилияси ҳақида маълумот бериш, унинг талабига кўра кўкрак нишон белгисини маълум қилиш ва хизмат гувоҳномасини очiq ҳолда (бунда ИПХ ходими томонидан хизмат гувоҳномасини йўл қатнашчиси ихтиёрига бериш қўйланмади) кўрсатиш;

йўл ҳаракати қатнашчиларига мобил видеокамерадан фойдаланаётганини маълум қилиш ва келгусида ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этса, айбини исботлаш учун видео ёзувдан фойдаланиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш;

ҳар қандай вазиятда йўл ҳаракати қатнашчилари билан вазим, хушмуомала, одобли ва эътиборли бўлиш, уларга ҳурмат билан ҳамда «Сиз» деб муносабат қилиш, йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда муомала маданияти ва қонунийликка риоя қилиш;

йўл ҳаракати қатнашчиларига уларни тўхтатиш сабабини, содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан аниқ, лўнда тушунтириш бериш;

ҳайдовчини маст ҳолда деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлган тақдирда, уни транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш, мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда текширувдан ўтказиш, ҳайдовчи мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширув ўтказилишидан бўйин товлаган тақдирда МЖТКнинг 136-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий баёнома расмийлаштириш;

белгиланган тартибда берилган кўрсатмага асосан йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатини чеклаш ёки тақиқлаш;

қоидаларни бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштириш чоғида унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш;

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида тегишли чораларни қўриш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш чораларини қўриш;

йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далиллар йўқотилиши ёки йўқ қилинишининг олдини олиш мақсадида ҳодиса жойини ўраб олиш чораларини қўриш;

ҳуқуқбузарликдан ёки бахтсиз ҳодисалардан жабрланганларга, ҳаёти (соғлиги) ҳавф остида қолган шахсларга, тиббий ёрдамга муҳтож бўлган йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳамда йўл транспорт ҳодисаси оқибатида шикастланган транспорт воситаларини белгиланган жойга олиб боришда фуқароларга ёрдам кўрсатиш;

ўзига хизмат юзасидан бириктирилган транспорт воситаси, кўкрак нишон белгиси, алоқа воситаси ва махсус мосламаларни яроқли ҳолатда сақлаш, улардан фавқат хизмат фаолиятида мақсадли фойдаланиш;

рухсат этилмаган, сертификатга эга бўлмаган, сертификатнинг амал қилиш мuddати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар органлари ҳисобига мавжуд бўлмаган махсус мосламалардан фойдаланмаслик;

белгиланган ҳаракатланиш тезлигини ошириб, қоидаларни бузган ҳайдовчининг махсус мосламанинг кўрсаткичлари билан таништириш, унинг талабига кўра мосламанинг қийсلاш сертификатини кўрсатиш;

жисмоний куч ишлатилгани ва махсус воситалар қўлланигани натижасида жисмоний шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига, уларнинг, шу жумладан юридик шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган ҳар бир ҳолат ҳақида, шунингдек, ўқотар қўрол қўлланилган барча ҳолатлар тўғрисида ўзининг бевосита бошлиғи ҳамда назорат қилувчи прокурорга дарҳол хабар бериш;

йўл ҳаракати қатнашчиларига юқори турувчи орган (мансабдор шахс) ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтириш.

ИПХ ходими қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

15. ИПХ ходимининг мобиль видеокамерадан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

16. ИПХ ходими томонидан йўл ҳаракати қатнашчисини асоссиз тўхтатиб туриш тақиқланади.

17. ИПХ ходими йўл ҳаракати қатнашчисини тўхтатганда ёки у томонидан содир этилган қоидалар бузилишини расмийлаштириш жараёнида ҳолатга дахлдор бўлмаган ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатга эга бўлмаган шахсларга қоидалар бузилишини расмийлаштириш юзасидан тушунтириш беришга мажбур эмас.

4-БОБ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

18. Йўл ҳаракати қатнашчилари ИПХ ходимлари билан ўзаро муносабатларда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ИПХ ходими томонидан тўхтатиш асосларини, қоидаларнинг қайси банди (бандларини) бузганлиги тўғрисида тушунтириш берилишини талаб қилиш;

транспорт воситасини тўхтатган ИПХ ходимидан ўзини таништиришни, хизмат гувоҳномасини кўрсатишсини ва кўкрак нишон белгисини маълум қилишни талаб қилиш;

хизматни мобиль видеокамерасиз олиб бораётган ИПХ ходимига ҳужжатларни тақдим этмаслик;

ИПХ ходими билан ўзаро муносабатини ўзига тегишли аудио, фото ва видео қўрилмага қайд қилиш (ИПХ ходими томонидан фото ва видео тасвирга олиш тақиқланган белги мавжуд ҳудудларда хизмат олиб бориш ҳолатлари бундан мустасно);

мажбур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳоллардан ташқари транспорт воситаси кабинасидан чиқмасдан, ИПХ ходими билан ўзаро муносабатга киришиш;

содир этган қоидабузарлиги қайд этилган махсус мослама натижалари билан танишиш;

ҳуқуқбузарлик ҳолатини аниқлашда фойдаланилган махсус воситаларнинг қийслаш сертификатларини кўрсатишни талаб қилиш;

ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тушунтиришлар бериш; асоссиз тўхтатиб турилмаслигини талаб қилиш;

ИПХ ходими томонидан транспорт воситасини ёки ундаги юкни ташқи кўздан кечириш жараёнида иштирок этиш;

ўзи тўхтатилган ҳудудда ИПХ ходими хизмат олиб бориши мумкинлиги ҳақидаги дислокация кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиш ёки махсус тадбирлар ўтказилаётганлиги ҳақида МАДХ – АДХдан маълумот олиш;

ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома расмийлаштирилганидан сўнг ИПХ ходимининг дислокацияси сақланаётган саф бўлими (бўлиммаси) бошлиғидан дислокация ҳақида ёзма маълумот беришни талаб қилиш;

ўзига нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳужжатлари билан танишиш, улардан ўз ҳисобидан нусха кўчириш ёки уларни фотосуратга олиш;

ИПХ ходимининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, расмийлаштирилган ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома ҳамда чиқарилган қарор устидан юқори турувчи орган (мансабдор шахс)га ёки судга шикоят қилиш;

ўзи гувоҳи бўлган ҳодиса ҳақида ИПХ ходимига ҳаққоний маълумотни баён қилиш.

Йўл ҳаракати қатнашчилари қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Йўл ҳаракати қатнашчилари ИПХ ходимлари билан ўзаро муносабатларда қуйидагиларга мажбур:

ИПХ ходимининг қонуний талабларига бўйсунини ва уларни бажариш;

транспорт воситасини бошқаришда белгиланган ҳужжатларни (транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, ҳайдовчилик гувоҳномаси, сугурта полиси, юк ҳужжатлари), шахсини тасдиқловчи (ҳайдовчи транспорт воситасини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқарган ҳолларда) ҳужжатларни ИПХ ходимлари талаб қилганда текшириш учун тақдим этиш;

ИПХ ходимига совға, моддий қимматликлар таклиф қилмаслик ёки бошқа шаклда манфаъаддор этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширмаслик;

мансаб ваколатини суистеъмол қилган ҳолда хизмат гувоҳномасини кўрсатмаслик (қонун ҳужжатларида содир этган қоидабузарлиги учун маъмурий жавобгарликнинг алоҳида тартиби белгиланган шахслар бундан мустасно);

йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчисига ҳамда ИПХ ходими ўртасидаги ўзаро муносабатга халақит бермаслиги шарт.

Йўл ҳаракати қатнашчилари қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

**5-БОБ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ТОМОНИДАН
ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАНДА
ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЗАРО
МУНОСАБАТ**

20. ИПХ ходими қоидаларни бузган йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома расмийлаштириш чоғида шахсий адовати тўғрисида шашнинг аҳолини оғирлаштирувчи томонга ўзгартиришга ҳаракат қилишига йўл қўйилмайди.

Содир этилган ҳуқуқбузарлиқни енгиллаштириш ҳисобига бошқа ҳуқуқбузарлиқни расмийлаштириш таъқиқланади.

21. Йўл-ҳаракати қатнашчиси МЖТК 138-моддасининг биринчи-учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги фактига эътироз билдирмаган, унга солинадиган жазима миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаган, жазима ўша жойнинг ўзида тўланган, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилмайди.

Жазима тўланганлиги тўғрисида ҳуқуқбузарга белгиланган шаклдаги қавтанчи бериледи.

22. Башарти, йўл ҳаракати қатнашчиси ўзига солинадиган жазимаси эътироз билдирса ёки белгиланган жазимани жойида тўлай олмаса, у ҳолда МЖТКнинг 279-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади.

23. МЖТК 138-моддасининг биринчи-учинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда ҳуқуқбузарлик тўғрисида маъмурий баённома пиёданинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида расмийлаштирилади. Агар унинг ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаса, яқин орадаги ички ишлар органлари ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бизнесига олиб бориб, шахсига аниқлик киритилади.

24. Маъмурий жавобгарликка тортиш учун алоҳида тартиб белгиланган шахслар томонидан махсус мосламалар орқали қоидаларнинг бузилганлиги аниқланганда, уларнинг жавобгарлик масаласи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**6-БОБ. ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ
ТОМОНИДАН ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШДА
МАХСУС МОСЛАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШИ ТАРТИБИ**

25. Йўл ҳаракати қатнашчиларининг қоидаларга риоя этишларини назорат қилиш мақсадида махсус мосламалардан фойдаланилади.

26. ИПХ ходимлари томонидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатини назорат қилишда фойдаланиладиган махсус мосламалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувдан ўтган бўлиши лозим.

27. Транспорт воситаларининг оқими ва йўл шароитини ҳисобга олган ҳолда, кўча фоторадар ва мобил комплекслар бириктирилган ИПХ ходимлари томонидан уларнинг кўнлик дислокацияси белгиланган ва махсус мосламалардан тегишли тартибда фойдаланиш чоралари қўрилган бўлиши лозим.

28. Кўча фоторадар ва мобил комплекслар билан ишлашга улардан фойдаланиш тартибини пухта ўзлаштирган ва қўллаш қоидалари бўйича синовдан ўтган ИПХ ходимларига рухсат бериледи.

29. Кўча фоторадар ва мобил комплекслардан фойдаланганда ИПХ ходими мосламанинг кўрсаткичлари билан ҳаракат тезлигини ошириб, қоидаларни бузган ҳайдовчини таништириш, унинг талаби билан мосламанинг сертификати (нұхсаси)ни кўрсатиши лозим.

30. ИПХ ходимларининг патруль автомобилларида фойдаланиш белгилаб қўйилган тезлиқни ўлчаш мосламаларини

ўзбошимчалиқ билан ечиб олиши ва хизматга алоқаси бўлмаган бошқа (жисмоний ва юридик) шахсларнинг транспорт воситаларига ўрнатиши ҳамда хизматни ўташга алоқадор бўлмаган фуқароларни жалб қилиши қатъиян таъқиқланади.

Мазкур талабга риоя этилмаган ҳолда расмийлаштирилган баённомалар юридик кўчга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

31. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг автоматлаштирилган (компьютерлаштирилган) бошқарув тизими (кейинги ўринларда АБТ деб аталади) таркибидagi йўл ҳаракатини назорат қилиш ҳамда видео кузатиш техник воситаларининг жойлашуви ва иш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланган дислокация билан белгиланади.

32. Кўча фоторадар ва мобил комплекслари қўллаш жойи ва вақти ДИХХ саф бўлими (бўлимсари) бошлиғи томонидан тасдиқланган дислокацияга мувофиқ белгиланади.

Ҳайдовчи томонидан содир этилган қоидабузарлик кўча фоторадар ва мобил комплексларни қўллаш орқали аниқланганда, у мазкур Низомнинг 9-бандида белгиланган тартибда ИПХ ходими дислокациясининг кўчирмаси билан шу жойнинг ўзида танишиши ёки ёзма маълумот олиши мумкин.

33. Кўча фоторадар ва мобил комплекслар ёрдамида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларга ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўрсатилган фотосуратлар илова қилинади.

34. Қоидалар бузилишининг олдини олиш учун ИПХ ходими патруль автомобили, махсус мосламаларни имитация қилувчи қўрилмалар (макетлар, манекенлар) ёрдамида фойдаланиши мумкин.

35. Дислокацияга асосан тезлиқни ўлчаш воситаси билан хизматга жалб этилган ИПХ ходими ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимига маъсўл ходимдан тезлиқни ўлчаш воситасини (мобил комплекслар бундан мустасно) ва унга тегишли сертификати (ёки унинг нұхсасини) қабул қилиб олади ва унинг бутлиги, соғлиғи, ўрнатилган тартибда ишлатилишига маъсўл ҳисобланади.

Рухсат этилганда, сертификатга эга бўлмаган, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар органлари ҳисобида мавжуд бўлмаган махсус мосламалардан фойдаланиш таъқиқланади.

Бунда рухсат этилганда, сертификатга эга бўлмаган, сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган ёки белгиланган тартибда ички ишлар органлари ҳисобида мавжуд бўлмаган тезлиқни ўлчаш воситалари асосида расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар юридик кўчга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди.

36. ИПХ ходими дислокацияга асосан бириктирилган ҳудудга етиб бориб, хизматини бошлашдан олдин тезлиқ ўлчаш мосламасини фойдаланиш учун тайёрлайди, мослама хотирасига унинг ўрнатилган жойи, ҳаракат йўналиши, юқори тезлиқ чекланган кўрсаткичга қўшимча беш километр фарқи билан маълумотни киритиб, хизматга киришади.

**7-БОБ. МАХСУС АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ФОТО ВА
ВИДЕО ҚАЙД ЭТИШ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ
ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ БУЗИЛГАНЛИгини ҚАЙД
ЭТИШ ТАРТИБИ**

37. МЖТКнинг 309-1-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд

этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилмасдан, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг иштирокисиз жариима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилади. Бунда ҳуқуқбузарлиқни тақририйлиги инобатга олинмайди.

Жариима солиш тўғрисидаги қарор махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, юридик кучга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида расмийлаштирилади ҳамда ушбу ҳужжатни тузган ваколатли шахснинг электрон рақами имзоси билан тасдиқланади.

Жариима солиш тўғрисидаги қарорнинг кўчирма нусхаси махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари қўлланилган ҳолда олинган материаллар илова қилиниб, электрон ҳужжатни қўрсатдаги ҳужжатга айлантириш йўли билан тайёрланади ҳамда мазкур қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун мuddатда бюротно почта жўнатмаси тарзида ҳуқуқбузарга юборилади.

38. Маъмурий ҳуқуқбузарлик махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори, юридик шахсга тегишли транспорт воситаларидан фойдаланиш содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик қайд этилган тақдирда, юридик шахснинг транспорт воситаларидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси жавобгар бўлади.

39. Транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари (олиб қочиши, ўғирлаши) натижасида транспорт воситаси эгаси (мулкдори)нинг фойдаланишида бўлмаган ҳолларда, жариима солиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиб, бундай ҳужжатлар алоҳида йиғмажилдга тикиб борилади ҳамда ушбу ҳолат аниқланган заҳоти транспорт воситасини ушлаш бўйича МАДХга ахборот беради. МАДХ томонидан ушбу ҳолат юзасидан ҳудудий ички ишлар органларига дарҳол хабарнома юборилади.

40. Транспорт воситаси ушланган тақдирда, белгиланган шаклдаги далолатнома тузилади ҳамда жариима солиш тўғрисидаги қарор икроси юзасидан иш юритиш тугагунга қадар транспорт воситаси махсус ажратилган сақлаш жойида ушлаб турилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Далолатнома ўз нусхада тузилиб, биринчи нусхаси транспорт воситасини махсус ажратилган сақлаш жойида сақлашга масъул бўлган шахсда, иккинчи нусхаси ДИХХ ходимида қолади, учинчи нусхаси ҳуқуқбузарга берилади.

Транспорт воситасининг махсус ажратилган сақлаш жойига олиб борилиши, ушлаб турилиши ҳамда ушлаб туриш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарори билан тасдиқланган Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низоом билан тартибга солинади.

8-БОБ. ЙЎЛ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚАТНАШЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ЖАРАЁНИДА ХИЗМАТНИ ЎТАШНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

41. ИПХ ходими ўз хизмат вазифаларини махсус аудио ва видео қайд этиш қўрилмалари билан жиҳозланган транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган экипировкада ошкора усулда амалга оширади. Йўлларда хизматни яширин олиб бориш тақиқланади.

ИПХ ходимининг махсус аудио ва видео қайд этиш қу-

рилмалари билан жиҳозланган транспорт воситаларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

42. ИПХ ходими томонидан ўзга бириктирилган ҳудуд дислокациясидан ташқарида қоидабузарликлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштириш тақиқланади.

Йўл транспорт ҳодисалари, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи, авария ҳолатини юзга келтириши мумкин бўлган қоидабузарликлар аниқланганда, ИПХ ходими томонидан ўзга бириктирилган ҳудуд дислокациясидан ташқарида ҳам ушбу қоидабузарликлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилиши мумкин. Бунда мазкур ҳолатлар юзасидан ДИХХ саф бўлими (бўлими) бошлиғи томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, натижасига кўра ИПХ ходимининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилади.

ИПХ ходими томонидан ўзга бириктирилган ҳудуд дислокациясидан ташқарида расмийлаштирилган баённомалар юридик кучга эга бўлмайди ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайди, мазкур банднинг иккинчи хатбошисидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

43. Патруль автомобилида (мотоциклда), шунингдек, бошқа транспорт воситаларида йўл ҳаракати устидан назорат олиб бориш жараёнида ҳайдовчи томонидан қоидаларнинг бузилганлиги аниқланганда, мазкур транспорт воситасини тўхтатишда махсус чироқ-маёқча, овоз қўчайтиргич мосламаси, кўл ёки жепз ишораларидан фойдаланилади.

Транспорт воситасини автомобиль йўлларининг кўриш чекланган қисмлари, бурилишдан олдин ва кейин, тик нишаблик ёки тик баландликлар, чорраҳалар, ер ости ўтиш жойлари олдида, темир йўл кесимиш ҳудуди ва бошқа хавфли жойларда тўхтатиш тақиқланади, кенчиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно.

44. ИПХ ходими махсус чироқ-маёқчаси ёқилган ёхуд товушли сигналлар бериб ҳаракатланаётган ИПХ патруль автомобиллари кузатувида бўлган жамлангани пост ёки патруллик қилиш йўналиши ҳудудидан хавфсиз ва тўсқисиз ўтиб кетиши чораларини кўриши зарур.

45. Махсус ва тезкор хизматларга тегишли чироқ-маёқчаси ёқилган, товушли сигналлар бериб ҳаракатланаётган транспорт воситалари уларнинг ўғирланганлиги, олиб қочилганлиги ёки маст ҳолда бўлган шахслар томонидан бошқарётганлиги ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлган ҳоллардагина тўхтатилиши мумкин.

Махсус ва тезкор хизматларга тегишли транспорт воситалари иштирокида содир этилган йўл транспорт ҳодисаси бўйича, шунингдек, ушбу транспорт воситаси маст ҳолда бўлган ҳайдовчи томонидан бошқарилган ҳолат қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

46. ИПХ ходими куйдаги ҳолларда ҳуқуқбузарни яқин орадаги ички ишлар бўлимига (кейинги ўринларда ИИБ деб аталади) ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига олиб бориши мумкин:

ҳайдовчи ИПХ ходимининг қонуний талабларига бўйсунмаган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани содир этилган жойда тузиш имкони бўлмаса;

транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш қоидалари бузилган тақдирда, ҳуқуқбузарда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ва у ҳақида зарур маълумотлар бериш мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса.

47. Ҳуқуқбузар ИИБга олиб борилганда, ИПХ ходими унинг шахсини аниқлаш чораларини кўради. Ҳуқуқбузарнинг шахси аниқланганда, унга нисбатан содир этган қоидабузарлиги юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома

расмийлаштирилади. Ҳуқуқбузар шахсини аниқлаш имкони бўлмаганда, унинг содир этган қондабузарлиги бўйича икки нусхада билдирги тайёрлаб, билдиргининг бир нусхасини ИИБ навбатчисига, иккинчи нусхаси эса ИИБ навбатчиси томонидан тегишли белги қўйилганидан сўнг ИПХ ходимига топширилади.

48. Узининг шахсий хавфсизлиги ва ҳаракат қатнашчилари хавфсизлигини таъминлаш учун таъқиб қилиш ёки кузатиш вақтида ИПХ ходими қуйидагиларга амал қилиши лозим:

патруль автомобилда махсус чироқ-маёқча ва товушли сигналлар мунтазам ёқилган ҳолатда бўлиши;

аниқ шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ҳаракат тезлигини танлаши;

саф бўлим (бўлинма) ёки ИИБ навбатчисига ўзининг кетаётган жойи, қаердалиги ва ҳаракатнинг йўналиши тўғрисида маълум қилиб туриши;

йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини ҳушёрлик ва

эҳтиёткорлик чораларини қўришлари бўйича хабардор қилиб бориши;

таъқиб қилиш ва кузатиш жараёнида транспорт воситасининг ҳаракатланишини чеклаш чораларини қўриши.

ИПХ ходими таъқиб қилиш ёки кузатиш вақтида йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳаракатлар содир этмаслиги лозим.

49. ИПХ ходими йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчилари ҳаракатига хавф туғдирадиган катта ҳажмли ва хавфли юкларни ташиш қоидалари бузилганлигини аниқлаганда, саф бўлими (бўлинмаси) бошлиғидан ёки навбатчидан тегишли кўрсатма олгунга қадар, ушбу транспорт воситасини йўлнинг қатнов қисмидан четлаштириш чораларини қўриши лозим.

9-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДА

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 16 НОЯБРДАН 5 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 11 октябрдаги 2018/23-04, 133, 01-02/8-62-сон «Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 16 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131-3.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 527-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 21 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2070-1.

3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 20 октябрдаги 286-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш учун танловлар ўтказиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 22 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3089.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қўматили қозғолар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 19 октябрдаги 2018-11-сон «Уюшган биржадан ташқари бозорда қўматили қозғоларнинг олди-сотида битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1384-7.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 20 сентябрдаги 11-мх, 11/ж-сон «Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларида жорий, оралиқ, босқичли ва якуний

назоратларнинг баҳолаш мезонлари ва тартиби тўғрисида низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 28 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3090.

6. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 26 ноябрдаги 125-Н-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини норма-лаштириш» авиация қоидаларининг (ЎзР АҚ-94) 2-илловасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141-3.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 6 ноябрдаги 72, 01-02/12-65, 139, 11-сон «Хорижий давлатларнинг ойналарни туси ўзгартирилган (қорайтирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йиғимларни ундириш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3091.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 29 ноябрдаги 533-мх-сон «Профессионал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 29 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3092.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 31 октябрдаги 205-сон «Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги низоми тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3093.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси

хузуридаги Қимматли қўғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг 2018 йил 30 октябрдаги 2018-12-сон «Қимматли қўғозлар бозорини инвестиция воситачиси фаолияти тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-5.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 26 ноябрдаги 02-01/13-68-сон «Божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисни ўқитиш, унинг малакасини ошириш, шунингдек божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини бериш, қайта расмийлаштириш (унинг амал қилиш муддатини узайтириш) тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2814-1.

12. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 21 ноябрдаги 2-мх-сон «Мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши ҳақидаги низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3094.

13. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 3 декабрдаги 537-мх-сон «Диний ташкилотлар томонидан адлия органларига тақдим этиладиган ҳисобот шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 3 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3095.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/11-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-3.

15. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 27 ноябрдаги 53-сон «Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг кам талабларга қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2905-2.

16. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлигининг 2018 йил 30 октябрдаги 16, 30-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3096.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2018 йил 10 ноябрдаги 35/12-сон «Микрокредит ташкилотларида аудит текширувларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 5 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2379-3.

II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан ҳужжатли юритувчи субъектлар – юридик шахслар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми» 3-иловасига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2878-3, 2017 йил 21 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 12-банди ва 4-илоvasи (рўйхат рақами 2879, 2017 йил 6 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 348-модда).

Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги

текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2879-1, 2017 йил 20 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарорининг 10-банди ва 7-илоvasи (рўйхат рақами 2879-2, 2017 йил 13 октябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг «Назорат қилувчи органлар томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятидаги текширишларни мувофиқлаштириш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низоми» илоvasига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2879-3, 2017 йил 21 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 6 ноябрдаги 515-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Маъмур ҳужжатлар қонунчилиққа ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.



«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Талъимаржон кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Инвесторларга виза ҳамда вақтинча прописка учун бож белгиланди

Вазирлар Маҳкамасининг 27.11.2018 йилдаги 963-сон қарори билан Вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бошқаруви органлари томонидан ундириладиган хорижий валютдаги бож ставкалари, йигимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловларнинг тарифларига қўшимчалар киритилди (ВМнинг 19.08.1993 йилдаги 423-сон қарорига 2-илова).

Инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида камида 8 500 ЭКИХ* (материал эълон қилинган санада – 1 723 205 минг сўм) миқдориди ҳўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек хорижий корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистонга инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик 3 йиллик виза олиш ҳуқуқи берилган. Унинг амал қилиш муддатини чекланмаган миқдорда узайтириш мумкин. Бундан ташқари, инвестор визанинг янги муддатини расмийлаштириш учун Ўзбекистондан чиқиши талаб этилмайди (Президентнинг 1.08.2018 йилдаги ПФ-5495-сон Фармониининг 9-банди).

Қабул қилинган ҳужжат билан қуйидаги бож миқдорлари белгиланди:

➤ чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга 3 йилгача муддатга кўп марталик кириш-чиқиш визасини расмийлаштирганлик учун – 350 АҚШ доллари;

➤ чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни кириш визаси амал қиладиган муддатга вақтинча прописка қилганлик ҳамда визанинг амал қилиш муддатини узайтириш даврида вақтинча пропискани узайтирганлик учун – 300 АҚШ доллари.

Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, жорий йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур фуқаролар ҳеч қандай рухсат

берувчи тартиб-таомилларни ўтмаган ҳолда ўзлари муассиси бўлган ташкилотнинг исталган лавозимида меҳнат

фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга (Президентнинг 4.11.2018 йилдаги ПҚ-4008-сон қарори 5-банди).

Маълумот учун: кириш визасини расмийлаштириш тартиби Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибининг (ВМнинг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарорига 1-илова) II бўлимида белгиланган. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш тартиби эса қуйидаги ҳужжатлар билан белгиланган:

➤ Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 22.10.2018 йилдаги 845-сон қарорига 2-илова);

➤ Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 2-илова).

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 28.11.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

*Инвестицияларни ҳисоб-китоб қилиш учун улар киритилган кунда белгиланган ЭКИХ қабул қилинади.

Квартирани мерос қолдириш

Эшитишимизча, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати 2-банди асосида прописка қилиш ман этилибди.

Ота Тошкентда прописка қилинмаган ўғлига квартирани васият қилиб қолдира оладими?

Эрназаров. Тошкент ш.

– Ота Тошкент шаҳрида прописка қилинмаган ўғлига квартирани васият қилиб қолдира олади, сабаби фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади (ФКнинг 1120-моддаси). У бир тарафлама битим ҳисобланиши сабабли васият қилувчи уни тузиш учун меросхўрлар ёки бошқа шахсларнинг розилигини олиши талаб этилмайди. У васиятнома тузганлиги, унинг мазмуни, уни ўзгартирганлиги ёки бекор қилганлиги тўғрисида кимгадир хабар беришга мажбур эмас.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома – меросхўрнинг бўлажак барча мулкий муносабатларда мерос мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи асосий ҳужжат.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги сабабли меросхўр меросни расмийлаштиргандан кейин кўчмас мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиши ва ушбу мол-мулкка янги ҳужжатлар олиши зарур. Бунинг учун у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у билан боғлиқ битимларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларга мурожаат қилиши лозим, у ерда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома асосида меросхўр номига кўчмас мулк: квартира, дала ҳовли ва бошқаларни мерос қилиб олиш тартибида эгаллик қилиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилади.

Катталарникидек ҳужжат

Болага паспорт расмийлаштириш учун қандай ҳужжатлар зарур?

С.Фозилова. Тошкент ш.

– Болага паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини олиш учун миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжатини бериш учун белгиланган шаклдаги ариза;

б) ушбу муассаса ёки ташкилот орқали чет элга

чиқилган тақдирда муассаса ёки ташкилотнинг белгиланган намунадаги буюртманомаси;

в) туғилганлик ҳақида гувоҳнома;

г) 35 x 45 мм ўлчамли фотосурат;

д) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқотилган ёки ўғирланган ҳолларда фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахс қонуний вакилларининг ёзма аризаси;

е) паспорт ёки ҳаракатланиш ҳужжати йўқолганлиги тўғрисида маълумотнома (чет элда йўқолганда);

ж) давлат божи ёки консуллик йигимлари ва бошқа йигимлар тўланганлиги ҳақида квитанция (Низомнинг 16-банди, ВМнинг 7.07.2011 йилдаги 200-сон қарорига 1-илова).

Яшаш жойидами ёки иш жойида?

Республиканинг бошқа минтақасидаги иш жойида вақтинча пропискани расмийлаштириш керакми?

Фароғат С. Андижон ш.

– Ўзбекистон ҳудудида бир жойда прописка қилинган, бироқ 6 ойдан ортиқ вақт бошқа жойда ишлаётган бўлсангиз, аввалги яшаш жойидаги пропискадан чиқиб, иш жойидаги паспорт столида вақтинча пропискани ўтишингиз керак.

3 суткадан 6 ойгача бўлган даврга вақтинча прописка фуқарони доимий яшаш жойидаги пропискадан чиқармасдан расмийлаштирилади. 6 ойдан ортиқ муддатга вақтинча прописка шахсни доимий яшаш жойидаги пропискадан чиқарган ҳолда амалга оширилади (АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 39-банди).

Рўйхатда қайд этилмаган

Паспорт столи ходимлари ишончнома асосида пропискадан чиқаётганда 2 марта сотилган квартира бўйича қарз йўқлиги ҳақида маълумотнома тақдим этишни талаб қилишлари тўғрими?

Т.Косинина. Тошкент ш.

– Фуқаролар пропискадан ўчиш учун яшаш жойидаги ички ишлар органларига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

➤ чиқиш сабаби ва жойини кўрсатган ҳолда ички ишлар органи раҳбарияти номига эркин шаклда ёзилган ариза;

➤ паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома;

➤ мудофаа ишлари бўлими ҳисобидан чиқарилганлиги ҳақида белги қўйилган ҳарбий ҳисобга олиш ҳужжатлари;

➤ 4–5-шаклдаги уй дафтари ёки прописка карточки, квартира карточки;

➤ давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция (698-сон Йўриқноманинг 48-банди).

Қонун ҳужжатларида квартира бўйича қарз йўқлиги ҳақида маълумотномалар тақдим этилиши назарда тутилмаган. Ички ишлар органлари раҳбариятига мурожаат қилиб, паспорт столи ходимларининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишингиз мумкин.

Паспорт йўқотганда

Тошкент вилоятида вақтинча прописка қилинган Россия фуқаросидан, пул ва паспорт солинган сумкамни тақсидида унутиб қолдирибман. Уларни қайтариб берадилар. Энди нима қиламан?

С.В.

– Хорижий паспорт йўқотилган ёки ўғирланганда зудлик билан ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига тегишли ариза билан мурожаат қилиш зарур. Ариза берганингиздан кейин сизга паспорт йўқотилганлиги тўғрисида маълумотнома берадилар.

Сўнг РФнинг Ўзбекистон Республикасидаги Элчихонасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз керак:

➤ РФга кириш (қайтиш) учун белгиланган намунадаги гувоҳномани бериш ҳақида ариза;

➤ 3,5 x 4,5 мм ўлчамли 2 та оқ-қора ёки рангли фотосурат;

➤ шахсингиз ва фуқаролигингизни идентификация қилиш имконини берадиган ҳужжатлар (15.08.1996 йилдаги 114-ФЗ-сон РФ Қонуниининг 11-моддаси 1-қисми; РФ ТИВнинг 28.06.2012 йилдаги 10304-сон буйруғи билан тасдиқланган Маъмурий регламентнинг 20-банди). Улар илгари хорижий паспортдан олинган нусха, Россия паспорти, ҳарбий билет, ҳайдовчилик гувоҳномаси, фотосурат ёпиштирилган хизмат гувоҳномаси ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Элчихонада аризага биноан РФга кириш (қайтиш) учун гувоҳнома берадилар.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

«Хорижлик»лар тонировка учун қандай ҳақ тўлайди

ИИБ, ДБҚ, МВ ва ДХХ қарори (АВ томонидан 29.11.2018 йилда 3091-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) энгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун мажбурий йиғимларни ундирish тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Жорий йил 1 августдан бошлаб жисмоний ва юридик шахсларга туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали энгил автотранспорт воситаларидан пулли асосда фойдаланишга рухсат берилган (ВМнинг 18.07.2018 йилдаги 547-сон қарори).

Қабул қилинган Низом Ўзбекистонга вақтинча кираётган ёки транзит ҳаракатланаётган ҳамда бир вақтнинг ўзida қуйидаги белгиларга жавоб берувчи энгил автомобилларга нисбатан татбиқ этилади:

➤ хорижий давлатларнинг рўйхатга олиш идораларида рўйхатда турган;

➤ йўловчиларни ташиш учун фойдаланиладиган;

➤ ҳайдовчининг ўринидиган ташқари ўриндиқлар сони 8 тадан ошмайдиган;

➤ тўла вази 3,5 тоннагача бўлган;

➤ олд, ён ва орқа ойналаридан бири ёки бир нечтасининг (томидаги люк ойнаси бундан мустасно) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) автотранспорт воситалари.

Кириб келаётган хорижий давлатлар автомобилларининг ойналарини қорайтирганлик учун йиғим миқдори 15 АҚШ долларини ташкил этади (ВМҚ-547-сон қарор 2-бандининг 6-хатбоши). Йиғим тўлов кунида курс бўйича миллий валютада чегара божхона постидида банк кассалари орқали тўланади.

Бундан ташқари, тўловни тасдиқловчи ва божхонадаги кассада расмийлаштирилувчи квитанцияларнинг ҳуқуқий мақомига ўзгартириш киритилди. Низом лойиҳасида квитанциялар ИИБ томонидан бериладиган ойналарни қорайтиришга рухсатномага тенглаштирилган бўлса, тасдиқланган ҳужжатга



кўра у фақатгина «қорайтирилган» автомобилларнинг мамлакатга кириши ва унинг ҳудуди бўйлаб транзит ҳаракатланишига имкон беради.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 29.11.2018 йилдан қучга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Янги тартиб-таомил

Россияда жарималар, шу жумладан ЙХҚни бузганлик учун жарималар давлат хизматлари сайти ёки SMS орқали хабардор қилган ҳолда тезкор режимда банкдаги счётадан ҳисобдан чиқарилади.

Россияда камералар ёрдамида чиқарилган 3 минг рублгача бўлган суммадаги ЙХҚни бузганлик учун жарималарни соддалаштирилган тартибда ундирish тартиб-таомили 2019 йилда жорий этилади. Бу «Ижро ишини юритиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда назарда тутилган, «Коммерсант» газетаси унинг матни билан танишиб чиқиш имконига эга бўлган.

Бугунги кунда йўл жарималари бўйича қарзлар умумий тартибда ундирилади: қарор чиқарилгандан кейин 70 кун ичида жарима тўланмаса, у Давлатинспекциядан Суд приставлари федерал хизматига (СПФХ) йўлланади, шундан сўнг ижро иши қўзғатилади.

Янги ҳужжат билан бошқа тартиб-таомил жорий этилмоқда, у «Ижро ҳужжатларини соддалаштирилган тартибда бажариш» деб номланади. У билан суд приставлари эмас, СПФХ марказий

аппаратидаги махсус «мансабдор шахслар» шугўлланади.

Агар ДИХҚХдан СПФХга йўл камераси олган сурат асосида чиқарилган 3 минг рублгача суммадаги жарима тўланмаганлиги ҳақида қарор келиб тушса, ижро иши қўзғатилмайди. Бунда 3 кун ичида «ижро ҳужжатини бажариш тўғрисида хабарнома» чиқарилади.

Шу тариқа, ҳайдовчи тезликни 20–40 км/соатга оширгани учун 500 рубллик жаримани белгиланган муддатда тўлашга улгурмай, иш приставларга узатилса, энди унинг счётидан 1,5 минг рубль ечиб оладилар. Ажратилган бўлақдан чиққанлик, тақиқловчи белги остида тўхтаганлик ва бошқалар учун жарималар ҳам соддалаштирилган шаклда ундирилади.

Қарор чиқарилган пайтдан бошлаб 20 кун давомида қарзни ундиришнинг имкони бўлмаса (ёки қисман ундирилса), тўлақонли ижро иши



қўзғатилади, пристав унинг доирасида, масалан, мол-мулкни хатлашга ва бошқа чора қўллашга ҳақли бўлади.

Сўнгги йилларда приставлар зиммасига юклатилган вазибалар жуда кўпайиб кетди, дея тушунтириш берди мухбирга қонун лойиҳаси муаллифи, депутат Зариф Байгусаров. «Приставлар, айтилик, фақат алиментларни ундириш бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини бажаришлари учун қўлларини бўшатишни қўзладик», — дея изоҳ берди у.

Қонун лойиҳасида бундай ҳоллар учун ижро йиғими қолдирилганлиги сабаби ҳақида сўралганда депутат шундай жавоб берди: «Фуқарога ихтиёрий равишда тўлаши учун 70 кун берилган эди, бу вақтни ўтказиб юборгани учун жавобгарликка тортилиши керак».

Йўлдаги кулгили ҳодисалар

Йўлни кесиб ўтганлиги учун жаримага тортдилар

Киёфаларни таниб олиш тизими автобусдаги реклама баннерида тасвирланган чехрани белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтаётган қоидабузар деб қабул қилди.

Хитойдаги шаҳарларда қонунбузарларни, хусусан, белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтаётган қоидабузарларни топиш учун киёфаларни таниб олиш тизимларидан кенг фойдаланилади. Тизим қоидабузарни топса, йўлдан узоқ бўлмаган экранларга унинг тасвирини чиқаради (тўғри, бундай схемадан ҳамма жойда фойдаланилмайди).

Яқинда Хитойнинг Нинбо шаҳрида нохуш ҳодиса юз берди. Abacus News хабар беришича, киёфаларни таниб олиш маҳаллий тизими йўлдан ўтиб кетаётган автобуснинг реклама баннеридаги аёлнинг юзини қизил чироқда йўлни кесиб ўтаётган қонунбузар деб қабул қилган. Баннерда тасвирланган аёл Хитойдаги таниқли тадбиркор Дун Минчжу бўлган.

Нинбо полициячилари кейинроқ Weibo ижтимоий тармоғида хабарни эълон қилиб, тизим хатога йўл қўйганини ва қонунбузарлик тўғрисидаги маълумотлар ўчириб ташланганини қайд этганлар. Бундан ташқари, келгусида бундай хатоларга йўл қўймаслик учун тизимни янгиланганликлари ҳақида ҳам хабар берганлар.

Жорий йилнинг июнь ойида Нинбо ҳукумати шаҳарнинг 6 та чорраҳасида ўрнатилган киёфаларни таниб олиш тизимлари қизил чироқда йўлни кесиб ўтаётган 7 800 дан ортиқ қонунбузарни «тутгани» ҳақида хабар берган эди. Шэньчжэнь ҳукумати эса, мисол учун, тизим 10 ой ишлаш давомида фақат битта чорраҳанинг ўзida белгиланмаган жойдан йўлни кесиб ўтаётган 14 000 га яқин қоидабузарни қайд этганлиги ҳақида маълум қилган эди.



«АвтоНорма» бўлимини Алла Ромашко олиб боради.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
**Фарҳод Собирovich
ҚУРБОНБОЕВ**

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
**Зулфия
Сайдмуратовна
РАҲИМБЕКОВА**

Саҳифаловчи
**Наталья
БАРАНОВА**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича — (71) 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета нотири — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида тегилиди ва сақийланиди.
Нашр қўрилган — 188, Кўча Б-и — АЗ. Ҳафта — 2 босма тасвир, Басма қилинган нақда.
Буюртма 501. Адади 810. Газета 2018 йил 17 декабрь соат 17.00 да топширилди.